

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

РАШИДОВ Шавкатбек Равшанбек ўғли*ИИВ Академияси**мустақил изланувчиси*<https://doi.org/10.5281/zenodo.13846167>

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИГИГИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш тушунчаси, унинг ижтимоий хавфлиги, ушбу жиноят бўйича миллий ва хорижий олимларнинг фикрлари билан илмий баҳс мунозарага киришилган. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти бўйича ривожланган давлатларнинг тажрибаси қиёсий таҳлил қилиниб, ушбу турдаги жиноятни олдини олиш юзасидан миллий қонунчиликка таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: БМТ, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Суд Пленуми қарори, йўл ҳаракати хавфсизлиги, транспорт воситаси, ижтимоий хавфлилик.

ПОНЯТИЕ НАРУШЕНИЯ ПРАВИЛ БЕЗОПАСНОСТИ ДВИЖЕНИЯ ИЛИ ЭКСПЛУАТАЦИИ ТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ И ЕГО ОБЩЕСТВЕННАЯ ОПАСНОСТЬ

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрывается понятие нарушения правил безопасности движения транспортных средств или их использования, его общественная опасность, проводится научная дискуссия с учетом мнений отечественных и зарубежных ученых об этом преступлении. Проведен сравнительный анализ опыта развитых стран в отношении преступлений, связанных с нарушением правил безопасности движения транспортных средств или их использования, и разработаны предложения и рекомендации для национального законодательства по предупреждению данного вида преступлений.

Ключевые слова: ООН, Кабинет Министров, решение Пленума Верховного суда, безопасность дорожного движения, транспортное средство, социальная опасность.

THE CONCEPT OF VIOLATION OF TRAFFIC SAFETY RULES OR OPERATION OF VEHICLES AND ITS PUBLIC DANGER

ANNOTATION

This article reveals the concept of violation of the rules of safety of movement of vehicles or their use, its public danger, a scientific discussion is held taking into account the opinions of domestic and foreign scientists about this crime. A comparative analysis of the experience of developed countries in relation to crimes related to violations of vehicle safety rules or their use has been carried out, and proposals and recommendations have been developed for national legislation on the prevention of this type of crime.

Key words: UN, Cabinet of Ministers, decision of the Plenum of the Supreme Court, road safety, vehicle, social danger.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач замонавий талаблар ва маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда йўлларда ҳаракатланишнинг янги қоидаларини ишлаб чиқиш зарурати вужудга келганлиги боис, 1994 йилда БМТнинг 1968 йилда қабул қилинган «Йўлларда ҳаракатланиш тўғрисидаги» [1] ва «Йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги» Конвенциялари [2] ҳамда бошқа ривожланган давлатлар тажрибасини инобатга олиб “Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари”нинг янги таҳрирдаги матни тайёрланган эди. Шундан сўнг 1999 йил 19 августда “Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги” [3] Қонуни (2013 йил 10 апрелдаги ЎРҚ-348-сон Қонуни билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган) [4] қабул қилинди.

Шу муносабат билан барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ушбу қонунга зид норматив ҳужжатлари унга мувофиқлаштирилди, баъзилари бекор қилинди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги Қарори билан «Йўл ҳаракати қоидалари» [5] тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 2016 йилнинг 1 мартдан бошлаб бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидалари [6] амалга киритилди. Лекин йўлларда транспорт воситаларининг ҳаракат жадаллиги ортганлиги, йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилиши ортиб бораётганлиги, йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилиши оқибатида инсонларнинг турли даражада тан жароҳатларини олиши, шунингдек, олган тан жароҳати туфайли бир умрга ногиронга айланиши, ҳатто ҳалок бўлиши, автомобиль йўлларида тирбандликларнинг юзага келиши тобора ортиб бораётганлиги, транспорт воситалари чиқараётган газлардан атроф-муҳит, табиатнинг ифлосланиши каби муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ислоҳотлар, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишнинг қонуний кафолатларини мустақамлаш мақсадини кўзлаб амалга оширилмоқда. Бу борада йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг янги ва замонавий механизмларни ишлаб чиқиш, ушбу фаолият йўналишлари бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш орқали мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этишнинг энг самарали методларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг шартлари ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлинмас экан, унинг асосий объекти сифатида “йўл ҳаракати хавфсизлиги”ни бошқа турдаги фаолиятдан фарқлаш очиқлигича қолиши мумкин.

Ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари унинг тушунчаси моҳиятини англаб олишга қаратилган тадқиқотларни ўрганишни ҳамда улар асосида илмий хулосалар ишлаб чиқишни тақозо этади. Бирок, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, назарияда “йўл ҳаракати хавфсизлиги” тушунчаси борасида турли даврларнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда юридик таърифлар ишлаб чиқилганлигини кузатиш мумкин. Бу борадаги таҳлиллар ушбу тушунчага берилган таърифларнинг мукамал эмаслигини ҳамда сўнгги ислоҳотларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда янгисини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

“Йўл ҳаракати хавфсизлиги” йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлиги даражасини акс этувчи, йўл ҳаракати ҳолатини англатади. Йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ) транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланишига ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодисадир. Қисқача айтганда, бу ўрнатилган йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг салбий оқибатидир [7].

“Йўл ҳаракати хавфсизлиги” тушунчаси, унинг моҳияти ва белгиларини англаб этиш, ҳуқуқшуносларимизнинг доимий эътиборида бўлиб келган. Лекин ушбу муаммога бўлган қизиқишларнинг юқорилиги, олиб борилган кўплаб тадқиқотларга қарамадан, йўл ҳаракати хавфсизлиги тушунчасининг таърифи ҳамон баҳс талаб бўлиб қолмоқда.

Ҳозирга қадар ҳуқуқшунослар унинг ягона таърифини ишлаб чиққан эмас. Йўл ҳаракати хавфсизлиги тушунчасига берилган юридик таъриф билан бир қаторда бошқача қарашлар ҳам йўқ эмас.

“Йўл ҳаракати хавфсизлиги” тушунчасига турлича ҳуқуқий таърифларнинг берилганлиги унинг мазмунида бўладиган доимий ўзгаришлар билан изоҳланади. Бу ҳар қандай ҳодисанинг табиий ҳолатидир. Йўл ҳаракати хавфсизлигининг мазмуни давлат ривожланишининг ўзига хос тарихий шарт-шароитлари, унинг аҳамияти ва қонунчиликни тартибга солиш ҳолати билан ҳам белгиланади. Шу сабабли, ўтган асрнинг 90-йилларда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар оқибатида XX асрнинг охирида шаклланган ушбу атаманинг моҳияти, собиқ Иттифоқ давридаги тушунча мазмунидан тубдан фарқ қилади [8].

Бундан ташқари атаманинг илмийлиги тўғрисидаги баҳслар, “махсус тадқиқот методлари”ни ишлаб чиқишда қарама-қаршиликлар, йўл ҳаракати хавфсизлигини тушунишдаги муаммолар, ушбу соҳадаги ҳукмрон қарашлар мунозарали эканлигини кўрсатмоқда. Турли илмий қарашларга эга тадқиқотчилар ўз оппонентларнинг далилларини тушунмаслиги мумкин, чунки бу далиллар бошқа бир таҳлилий фикрлар, норматив кўрсатмалар, фойдаланилаётган моделлар тизими асосида яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунида “Йўл ҳаракати хавфсизлиги”га: *“йўл ҳаракати хавфсизлиги – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати”* [9] деб таъриф берилган, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририда ҳам ушбу тушунча айнан такрорланган [10].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати қоидалари” тўғрисидаги қарорининг 2-бандида *“йўл ҳаракати хавфсизлигига – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати”* [11] дея таъриф берилган.

2022 йил 12 апрелдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 6-бандида *“йўл ҳаракати хавфсизлиги – йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати”* [12] дейилган.

Таҳлиллар “йўл ҳаракати хавфсизлиги” тушунчасини тўлдирувчи “йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш” тушунчаси ҳақида ҳам сўз юритиш лозимлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунида *“йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш – йўл-транспорт ҳодисалари юзага келиши сабабларининг олдини олишга, бундай ҳодисалар оқибатларининг оғирлигини камайтиришга қаратилган фаолият”* [13] деб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 6-бандида *“йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш – йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиши сабабларининг олдини олишга, уларнинг оғир оқибатларини камайтиришга қаратилган фаолият”* [14] деб таърифлаган.

Юқоридаги турли даврларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “йўл ҳаракати хавфсизлиги” ҳамда “йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш” тушунчалари ўзгаришсиз қолганлигини кўришимиз мумкин. Биз бунинг сабабини мукамал таъриф ишлаб чиқилмаганлиги эмас, аксинча ушбу тушунчалари умумий мазмун билан ифодаланганлиги билан изоҳлаймиз.

Юқоридаги қонун, Вазирлар маҳкамасининг қарорида келтирилган тушунчаларни таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар икки ҳужжатдаги тушунчалар бир хил маънони бермоқда. Бироқ уларда қайси давлат органининг қандай фаолияти тушунилиши ёритилмаганлигини кўришимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан назаримизда ушбу тушунчаларни мувофиқлаштириш лозим ва уларни бериш ўринли бўлади.

“Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган давлат органлари ва йўл ҳаракати қатнашчиларининг, йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиши сабабларини олдини олишга, уларнинг оғир оқибатларини камайтиришга қаратилган фаолиятдир”.

Чунки йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга мамлакатдаги ҳар бир фуқаро ҳамда давлат органлари бирдек масъул бўлиб, ушбу субъектларнинг биргаликдаги фаолияти йўллардаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ҳамоҳанг, бир-бирини тўлдирган ҳолда иштирок этади.

“Йўл ҳаракати хавфсизлиги” тушунчасига берилган назарий фикларни ўрганиш ва унга оид ҳуқуқий нормаларнинг таҳлили унинг тўлиқ ва мукаммал эмаслигини кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, юқоридаги таҳлиллар асосида “йўл ҳаракати хавфсизлиги” тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди ҳамда илмий асослантирилди:

“Йўл ҳаракати хавфсизлиги – жамоат хавфсизлигининг таркибий қисми бўлиб, йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл ҳаракати жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар, йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати” [15] дир деган нуқтаи назарга қўшилаемиз, чунки йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганлик эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятларнинг энг кўп тарқалган турларига киради. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилиги даражасининг юқорилиги уларнинг нафақат кенг тарқалганлиги, балки келтириб чиқарадиган оқибатларининг оғирлиги: жароҳатларнинг юқори миқдорда эканлиги; қурбонларнинг мавжудлиги; мулкӣ ва моддий зиён миқдорининг кўплигида ҳам ифодаланади.

Статистик маълумотларга кўра республикаимизда 2023 йилда 2023 йилда жами 16 млн дан ортиқ қоидабузарлик қайд этилган, жумладан 13 млн дан кўп кўпол қоидабузарлик, 42 мингга яқин транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш, 300 мингдан ортиқ пиёдалар қоидабузарлиги қайд этилган. Оқибатда 9 839 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 9 209 нафар фуқаро жароҳатланган ва 2 282 нафар фуқаро ҳалок бўлган. 2023 йилда болалар билан боғлиқ 1 794 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 1 568 нафар бола жароҳатланган ва 263 нафар бола ҳалок бўлган [16].

Юқоридаги статистик маълумотлардан кўриниб турибдики транспорт воситалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши натижасида давлат, жамият ва шахс манфаатларига моддий зарар етказилади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилади, экологик, мулкӣ ва бошқа зарарлар келиб чиқади. Йўлларда ҳар қандай ҳайдовчига транспорт воситасини бошқаришда салбий таъсир кўрсатадиган омилларни бартараф этиш ҳозирги куннинг долзарб муаммосидир.

Шу сабабдан, мамлакатимизда бошқа ҳуқуқ тармоқлари сингари жиноят ҳуқуқида ҳам транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминловчи ва муҳофаза этувчи ижтимоий муносабатлар алоҳида жиноят-ҳуқуқӣ муҳофаза объектлар каторига киритилган.

Нима сабабдан жиноят ҳуқуқида транспорт воситалари ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш мустақил жиноят сифатида белгиланган? деган саволга жавобни мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини таҳлил қилиш орқали топиш мумкин. Зеро, қилмишни криминализация қилиш тўғрисидаги масала юзасидан фикр билдирган олимларнинг кўпчилиги ҳар қандай жиноятнинг ажралмас белгиси сифатида унинг ижтимоий хавфлилигини кўрсатадилар [17].

Шу боис, транспорт воситалари ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишни криминализация қилишнинг асосий омилларидан бири, унинг ижтимоий хавфлилиги ҳисобланади, жиноят ҳуқуқи назариясида ижтимоий хавфлилик қилмишнинг зарурий белгиси ҳисобланади, бироқ ушбу белги қилмишни криминализация қилиш учун етарли эмасдир.

Юридик адабиётларда ижтимоий хавфлиликнинг тузилиши ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Кўпчилик олимлар, ижтимоий хавфлилик бу тажовузни тавсифловчи барча белгиларнинг йиғиндиси [18], деб ҳисоблашади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик микдори, унинг микдор кўрсаткичи ҳисобланиб, етказилган зарарнинг даражаси, келиб чиққан оқибатнинг оғирлиги, жиноий ҳаракатнинг қай даражада амалга оширилганлиги (тайёргарлик кўриш, суиқасд қилиш ёки охирига етказилганлиги), бир неча киши томонидан биргалашиб содир этилганлиги, жиноятнинг содир этиш усули, жиноят содир этишда қурол ишлатилганлиги, айбнинг хусусиятлари каби омиллар ҳисобга олиниши мумкин [19] дир.

XX асрнинг 60-70 йилларида тадқиқот олиб борган П.С.Дагель [20], В.Н.Кудрявцев [21], К.Лютов [22], П.П.Осиповларнинг фикрича жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги қилмишнинг объектив мазмунидан келиб чиқади. Бундай фикрни қўллаб қувватлаган А.С.Якубов “ижтимоий хавфлиликнинг объектив хусусияти, жиноят содир этиш натижасида етказилаган зарарнинг объектив хусусияти билан шартланади” [23] дейди.

“Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг, ушбу қилмиш натижасида келиб чиққан оқибатнинг ва айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилигидан иборатдир” [24].

М.Х.Рустамбаев жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги унинг кенг тарқалганлиги билан белгиланиши [25] тўғрисидаги фикрни илгари сурган.

Айрим олимлар шахснинг ижтимоий хавфлилигини қилмишнинг ижтимоий хавфлилик тизимига киритишга қаршилиқ билдиради. А.Д.Нечаевнинг фикрича, “биз шахс ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини кўриб чиқишда уларни бир-биридан ажратган ҳолда ўрганишимиз керак, чунки жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилиги қилмиш содир этилишидан олдинроқ, бир қатор ҳолларда бевосита жиноят содир этиш вақтида шаклланади” [26].

Бироқ, М.Абдусаломов ва Ю.М.Каракетовлар назарида қилмишнинг ижтимоий хавфлилик тизимидан жиноятчининг шахсини чиқариб ташлаш ва ажратиш мумкин эмас [27].

Бизнингча, шахс ижтимоий хавфлилигининг ўзи (хавfli рецидивист ёки ўта хавfli рецидивист ҳолатларидан ташқари) ёки унда қандайдир жиноий қилмишни содир этиш истагининг вужудга келиши бирон-бир қандай жиноий-ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқармайди. Шу сабабли ижтимоий хавfli қилмишнинг содир этилиши, яъни объектив ижтимоий хавfliлик, амалдаги жиноят қонунчилиги бўйича жиноий жавобгарликнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Бошқа бир гуруҳ олимлар ижтимоий хавfliликка жиноят таркибининг объектив ёки субъектив белгиларидан муайян бир қисмини киритишади. Ю.Трунцевский қонун билан қўриқланадиган неъмат – ижтимоий муносабатлар, тажовуз ва оқибат ижтимоий хавfliликни ташкил қилишини таъкидлайди [28].

Л.М.Прокументов ҳаракатнинг мақсади, объектнинг ижтимоий аҳамиятини, рўй берган зарарли оқибатларнинг даражасини ижтимоий хавfliликни ташкил этувчи белгилар қаторига киритади [29].

Айрим олимлар ижтимоий хавfliлик белгиларини ижтимоий хавfliлик даражаси ва хусусиятига таъсир этувчи, бироқ унинг тузилишини ташкил этмайдиган ҳолатлардан фарқлаш лозимлигини таъкидлайдилар. Улар қилмишнинг ижтимоий хавfliлигига таъсир этувчи ҳолатларга мотив ва мақсадни киритишади [30].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорига кўра, жиноятнинг ижтимоий хавfliлик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади [31].

Жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражаси эса, қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлик даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар микдори ёки келиб чиққан оқибатларнинг оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади [32].

Юқоридаги фикрларга кўра, айрим муаллифлар ижтимоий хавфлилик тузилишидаги асосий элемент деб фақат объектив белгиларни, иккинчи гуруҳ олимлар эса субъектив белгиларни ҳисоблашади, учинчи тоифадагилар эса қилмишнинг объектив ва субъектив белгиларининг маълум бир қисми ёки зарурий бўлган барча қисмларининг йиғиндиси ташкил этишини таъкидлашади. Фикримизча, ҳар қандай қилмиш ижтимоий хавфлигининг объектив ва субъектив белгилари йиғиндисига асосан белгиланиши лозим.

Зарарнинг миқдори ва оқибатини ҳосил қилувчи ҳолат, қилмиш ва усул (қилмишнинг жадаллиги), қилмишдан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабат ва предмет қилмишнинг ижтимоий хавфлигини бевосита олдиндан аниқлаб берувчи элементлар ҳисобланади. Объектив белгилар орқали намоён бўладиган ижтимоий хавфликка билвосита таъсир этувчи белгилар қаторига айб, мақсад, мотив, жиноят таркибида бевосита назарда тутилиши мумкин бўлган субъектнинг айрим хусусиятларини киритиш мумкин.

Демак, ҳар қандай жиноят сингари транспорт воситалари ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг ижтимоий хавфлиги қонун билан қўриқладиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилишда намоён бўлади.

REFERENCES. ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ.

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси муаллифлар жамоаси. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларини тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлар. Ўқув методик кўлланма. Тошкент 2023. Б-7.
2. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси муаллифлар жамоаси. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларини тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлар. Ўқув методик кўлланма. Тошкент 2023. Б-7.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 19.08.1999 йилдаги ЎРҚ-818-I-сон (Электрон манба) <https://lex.uz/acts/24741> (мурожаат қилинган вақт: 10.09.2024).
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 10.04.2013 йилдаги ЎРҚ-348-сон (Электрон манба) <https://lex.uz/docs/2153411> (мурожаат қилинган вақт: 10.09.2024).
5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 11.12.2000 йилдаги 472-сон (Электрон манба) <https://lex.uz/docs/393128> (мурожаат қилинган вақт: 10.09.2024)
6. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 01.03.2016 йилдаги 370-сон (Электрон манба) <https://lex.uz/acts/2850459> (мурожаат қилинган вақт: 10.09.2024).
7. *Тультеев И., Раззоков М.* Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари // “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашувлар” Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – Б. 183–187.
8. *Майоров В. П.* Государственно-правовое обеспечение безопасности дорожного движения в Российской Федерации: теоретико-прикладные проблемы. - Челябинск, 2007. – С. 8.
9. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги 818-I-сон қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/24741> (мурожаат қилинган вақт: 10.09.2024).
10. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-348-сон қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/2153411> (мурожаат қилинган вақт: 10.09.2024).
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 472-сон қарори // Электрон манба: <https://www.lex.uz/acts/393128> (мурожаат қилинган вақт: 10.09.2024).
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сон қарори // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5953883> (мурожаат қилинган вақт: 10.09.2024).
13. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 10.04.2013 йилдаги ЎРҚ-348-сон (Электрон манба) <https://lex.uz/docs/2153411> (мурожаат қилинган вақт: 10.09.2024).
14. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 01.03.2016 йилдаги 370-сон (Электрон манба) <https://lex.uz/acts/2850459> (мурожаат қилинган вақт: 10.09.2024).
15. Аллаёров Н.У., Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг маъмурий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш. ((юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун (PhD))Дисс. Тошкент 2023. С. 31
16. <https://daryo.uz/k/2024/02/28/ozbekistonda-2023-yili-sodir-etilgan-98-mingta-avariya-oqibatida-22-ming-kishi-vafot-etgan>

17. Гонтарь И. Категория «Общественная опасность» в уголовном праве: онтологический аспект // Уголовное право. – М., 2007. – № 1. – С. 16–19; Епифанова Е.В. Общественная опасность как научная категория, законодательная дефиниция: история и современность: монография. – М.: Юрлитинформ, 2012. – С. 61; Умнова Ю.В. Общественная опасность в процессе уголовного правотворчества и правоприменения // Актуальные проблемы российского права. – 2011. – № 2. – С. 34.
18. Абдусаломов М., Каракетов Ю. Ответственность за вымогательство. – Т., 1997. – С. 15–16; Гулямов З. Х. Преступления против правосудия. – Т., 1996. – С. 8–9; Зарипов З. С., Кабулов Р. Квалификация краж, грабежей, разбоев, совершённых путём проникновения в помещение или иное хранилище. – Т., 1991. – С. 4; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: илмий амалий шарҳлар. – Т., 1997. – Б. 26.
19. Усмоналиев М. Жиноят хукуки. Умумий қисм. – Т., 2005. – Б. 72.
20. Дагель П.С. Условия установления уголовной наказуемости // Правоведение. 1975. № 4. С. 67–74.
21. Кудрявцев В.Н. Что такое преступление. – М., 1959. – С. 6–7.
22. Лютов К. Содержание понятия "общественной опасности". - В кн.: Вопросы уголовного права стран народной демократии.- М., 1963.- С.216-238.
23. Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении. – Т., 1996 –С. 88.
24. К. Р. Абдурасулова Уголовная ответственность за мошенничество: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Т., 1994. – С. 10.
25. М.Х.Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. - Тошкент, 2006. – 321 б.
26. А.Д.Нечаев Концептуальные основы и теоретическое моделирование криминализации и декриминализации: дис. канд. юрид. наук. Саратов, 2017. 331 с.
27. Абдусаломов М., Каракетов Ю. Ответственность за вымогательство. – Т., 1997. – С. 15.
28. Трунцевский Ю. Экономический правопорядок как объект посягательства и материальный признак преступления. // Уголовное право. – М., 2007. – № 2. – С. 72.
29. Прокументов Л.М. Основание криминализации (декриминализации) деяний // Вестник Томского государственного университета. Право. 2014. № 4 (14). С. 81–90.
30. Коновальчук М.В. Общественная опасность преступления и вопросы декриминализации (криминализации) деяний // Вестник Самарского юридического института. 2016. №3 (21).; Марцев А. И. Общественная вредность и общественная опасность преступления // Правоведение. – М., 2001. – № 4. – С. 148–155.
31. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори: <https://lex.uz/docs/1455976>
32. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори [Электрон манба] <https://lex.uz/docs/1455976> (муружаат қилинган вақт: 10.09.2024)